

Ҳаром еб қилинган ибодат



06:10 / 26.09.2018 3911

Ассалому алайкум! Харом лукма еб қилинган ибодат қабул бўлмайди. Уйда харомдан пул топилса, фарзанд ибодат қилса, бундай ҳолатда овқат емасликнинг иложи бўлмаса, фарзанд ибодатининг ҳукми нима? 2. Фарзанд кейинчалик лукмасини ўзи пул топиб ҳалоллагандан кейин ҳозирги ибодатларини қазосини ўқийдими? Жавобларингиз учун раҳмат

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ваалайкум ассалом! Зиммасидан Аллоҳ [фарз](#) қилган ибодат соқит бўлади. Қолаверса уни бошқа ҳалолдан топадиган ҳолати бўлмаса ўлмаслик учун ўлимтик еса [мубоҳ](#) бўлади, қазолар ҳам соқит бўлади. Қазосини ўқимайди. Валлоҳу аълам!